

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРҚУЛОВ ЗАФАР БЕКПЎЛАТОВИЧ

БАДИИЙ МАТНДА ҚИЁС ВА УНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ҚИММАТИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
dissertation

Умуркулов Зафар Бекпўлатович
Бадиий матнда қиёс ва унинг лингвопоэтик қиммати.....5

Умуркулов Зафар Бекпўлатович
Сравнение в художественном тексте и его лингвопоэтическая ценность.....25

Umurqulov Zafar Bekpo‘latovich
Comparison in literary text and its linguopoetic value.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....52

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРҚУЛОВ ЗАФАР БЕКПЎЛАТОВИЧ

БАДИИЙ МАТНДА ҚИЁС ВА УНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ҚИММАТИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil948 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида qarshidu.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Низомитдин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шукуров Отабек Улашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Худойберганова Дурдона Сидиқовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 221-00-56; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (32 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «10» ноябр куни тарқатилди.

(2020 йил 10 ноябр даги «31» рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиёва

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (PhD)

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил бирликларининг нутқий вазиятдаги ўрни, тил эгаларининг олам ҳақидаги билимларини намоён этувчи восита сифатида ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда тизимли ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Она тили таълимини ривожлантириш таълим тизимидаги муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Тилшунослик таълими нафақат маънавий ва маърифатни юксалтиришга қаратилади, балки оламни англаш, уни идрок қилиш ва тавсиф этиш воситаси ҳамдир. Тилсиз ва тил воситаларисиз борлиқни тавсифлаб бўлмайди. Тилшунослик бўйича олиб бориладиган илмий изланишлар ва тадқиқотларнинг илмий аҳамияти тил таълимини ривожлантириш ва тилдан фойдаланиш салоҳиятини ошириш билан белгиланади.

Дунё тилшунослигида қиёс оламни англашнинг муҳим усули сифатида баҳоланиб келинган. Тасаввур қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш – оламни билиб олишдаги муҳим восита. Борлиқни билишнинг муҳим усулларида бири қиёс бўлиб, у орқали нарса-ҳодисанинг фарқли ва ўхшаш томонлари аниқланиб, баҳо берилади. Муайян белгининг бир неча предметда мавжудлиги, белгининг миқдор ва сифат жиҳатидан предметнинг қайси бирида ортиқ, кам ёки тенг эканлигини аниқлаш асосида нарса-предметлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилинади, асосли хулосаларга келиш имконияти яратилади. Аналогия қиёснинг муҳим шаклларида бўлиб, унинг барча талабларига риоя қилган ҳолда хулоса чиқариш фанда катта кашфиётларга олиб келиши исботланган. Аналогия тилшуносликда тилларни, тил фактларини қиёслаб ўрганишда ва муҳим хулосалар чиқаришда кенг қўлланиладиган усулдир.

Ўзбек тилшунослигида бадий матннинг лингвопоэтикаси масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, қиёс ва унинг лингвопоэтик хусусиятлари махсус ўрганилмаган. “Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди”¹. Натижада ўзбек тилининг лисоний хусусиятларини очиб берувчи қатор илмий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан биргаликда, тилимизнинг бой имкониятларини намоён этувчи тадқиқотларга эҳтиёж мавжуд. Қиёс ва унинг нутқий хусусиятларини таҳлил қилиш, қиёснинг тил тизимидаги моҳиятини баҳолаш, қиёсий ифодаларнинг нутқий жараёндаги вазифасини белгилаш, тасвирий восита сифатидаги лингвопоэтик имкониятларини аниқлаш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

тўғрисида”ги ПФ-4958-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларни бажарилишида тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Фалсафа ва мантиқ илмида хулоса чиқаришнинг муҳим шакллари билан бўлган қиёсга алоҳида аҳамият бериб келинган². Рус тилшунослигида қиёслаш билан боғлиқ тил воситалари қиёсий конструкция асосида В.В.Виноградов, А.Ефимов, М.Черемисина, С.Л.Невелева, Е.А.Некрасовалар³ томонидан ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида Ғ.Абдурахмонов, М.Мукаррамов, Н.Маҳмудов, А.Абдуллаев, А.Нурмонов, Д.Худойбергана, М.Йўлдошев, М.Якуббекова, Ш.Сафаров, Ғ.Қамбаров⁴ каби тадқиқотчилар қиёс, унинг ижтимоий ҳаётда ва тил тизимидаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирган. Бироқ қиёс, унинг ҳосил бўлиш механизмлари, бошқа ёндош лингвистик воситалар билан муносабати, нутқий қиммати махсус ўрганилмаган. Қиёснинг ижтимоий ҳаётда, таълим тизимида муҳим ўрни борлиги, нутқий жараёнда муҳим

² Аристотель. Аналитики. – Л.: Госполитиздат, 1952; Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Тошкент: Фан, 1975; Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018; Абу Али Ибн Сино – комусий олим. Методик-библиографик қўлланма. – Тошкент, 2004.

³ Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: 1936; Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М.: Просвещение, 1961; Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск: Наука, 1976; Невелева С.Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. М.: Наука, 1979; Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. – М.: Наука, 1982.

⁴ Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент: Фан, 1958; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987; Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo‘nalishlari. – Toshkent: Ta’lim, 2009; Худойбергана Д. Семантические и стилистические особенности конструкций уподобления в узбекском языке: дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1989; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2005; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент: 2008.

тасвирий восита сифатида қўлланилиши ва лингвопоэтик қимматга эга бўлган ифода воситаси эканлиги ушбу тадқиқотнинг яратилиши учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети илмий-тадқиқот режасининг “Ўзбек нутқшунослиги: бадиий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбек тилшунослигида қиёснинг ифодаланиш усуллари, қиёс ҳосил қилувчи воситалар, қиёснинг нутқий қиммати – лингвопоэтик моҳиятини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қиёснинг оламни билишдаги ўрнини баҳолаш, унинг ўзига хос ифода усули эканини изоҳлаш;

қиёс ҳосил бўлишининг компонентларини аниқлаш ва тузилишини таҳлил қилиш;

қиёс синтактик структурасининг қиёс компонентларига муносабатини аниқлаш;

қиёснинг бошқа тасвирийлик характеридаги лингвистик воситалар билан боғлиқлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

қиёснинг нутқий жараёндаги ўрнини белгилаш ва лингвопоэтик моҳиятини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ёзувчиларининг насрий асарлари матнларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини қиёс ҳосил бўлишининг механизмлари, синтактик структураси, лингвопоэтик табиати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, когнитив, дифференциал-семантик, лингвопоэтик таҳлилдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қиёснинг оламни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий (ментал) структураларнинг лисоний ифода ўрни изоҳланган;

соф қиёсда субъект ва эталон белгисининг ортиқ ёки камлиги, қиёс-ўхшатишда эса предметлар ўртасидаги белгининг бир хиллиги ифодаланиши асосланган;

қиёсий ифодаларни вужудга келишида луғавий ва грамматик воситаларнинг меъёр даражасида қўлланилиши, функционал-стилистик имкониятлари очиб берилган;

бадиий матнда соф қиёснинг бадиий бўёқдорлик касб этишига хос лингвопоэтик хусусияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қиёснинг ижтимоий моҳияти ва оламни идрок этишдаги ўрни илмий асосланган;

қиёс, унинг намоён бўлишида иштирок этадиган компонентлари, лингвистик табиати ҳақидаги хулосалар ўзбек тилшунослигининг ривожини учун муҳим аҳамият касб этиши изоҳланган;

қиёснинг лингвопоэтик моҳияти очиб берилган ва бошқа бир қатор тасвирий воситаларнинг ҳосил бўлиши қиёсга боғлиқ эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мавзуни ёритиш жараёнида, назарий маълумотларни келтиришда аниқ илмий манбаларга таянилган ҳолда иш тутилгани, материаллар илмий жиҳатдан мукамал методлар асосида тасниф ва тавсиф қилингани, тавсиф ва таҳлилда ишончли назарий манбалар ва тилшуносликнинг замонавий илмий ютуқларидан фойдаланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосаларнинг ўзбек тилшунослигида ўхшатиш, метафора, эпитет каби тасвирий воситалар, уларнинг вужудга келиш асослари хусусидаги тадқиқотларни янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотдан бадиий матн таҳлили, нутқ маданияти, матн лингвистикаси фанларини ўқитишда, тил фактларини қиёслаб ўргатишда фойдаланиш ҳамда ушбу фанлар бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш учун ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қиёс ва унинг бадиий матндаги лингвопоэтик моҳиятининг илмий-назарий асослари тадқиқи натижалари асосида:

қиёсий ифодаларни вужудга келишида луғавий ва грамматик воситаларнинг меъёр даражасида қўлланилиши, функционал-стилистик имкониятлари ҳақидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида (2012-2016) фойдаланилган. (ЎзРФАҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 25 июндаги 98/1-сонли маълумотномаси). Натижада сўз ясалиши асосларини таҳлил қилишда қиёсдан фойдаланилган ҳолда лойиҳа ишида назарий умумлашмалар чиқаришга эришилган;

қиёснинг оламини билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий (ментал) структураларнинг лисоний ифода ўрни ҳақидаги илмий-назарий хулосаларидан А-1-126 рақамли “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини оширишнинг замонавий усуллари” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2336-сонли маълумотномаси). Натижада узлуксиз таълимда тил компетентлигини оширишда қиёслашдан фойдаланиш асосида лойиҳа ишида мукамалликка эришилган;

бадиий матнда соф қиёснинг бадиий бўёқдорлик касб этишига хос лингвопоэтик хусусиятига доир хулосасидан Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувларида адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 22 майдаги 01-01/498-сонли маълумотномаси). Натижада “Тил миллат кўзгуси”,

“Муносабат” телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, жумладан, республика миқёсида 4 та ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қиёс тушунчаси. Қиёснинг вужудга келишидаги омиллар”** деб номланган биринчи боби тўрт фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли **“Қиёс – оламни идрок этишнинг муҳим усули”** деб номланган. Қиёс – кўп қиррали фалсафий-мантиқий тушунча. У ижтимоий-лисоний характерга эга бўлиб, ўзбек тилшунослигида махсус ўрганилмаган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қиёсга куйидагича изоҳ берилган: 1. Ўзаро чоғиштириш, солиштириш, таққослаш, муқояса, таққос. 2. Ўхшаш, тенг, мисл⁵. Кўринадики, қиёс, асосан, предметлар ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муайян белгини чоғиштириш, таққослаш орқали муҳим жиҳатларини аниқлаш, белгининг бошқа шундай белгига нисбатан ортиқлигини, ўхшашлигини, тенглигини, баъзан қиёсизлиги (ҳеч нарсага ўхшамаслигини) ифодалаш асосида вужудга келади.

Қиёс фалсафада ва мантиқшуносликда билиш фаолиятига татбиқ қилинадиган усул бўлиб, билимларнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида босқичдир. Файласуфлар таъкидлаганларидек, “билиш инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим элементи бўлиб, билишнинг мақсади ва вазифаси турли ҳодисаларни ўрганиш йўли билан уларнинг чуқур, турғун белгиловчи томонлари ва қирраларини, моҳиятини очиқ, ҳақиқатни англаб олишдан

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 275.

иборат”⁶. Ҳодисаларни ўрганишда, моҳиятни очишдаги усуллардан бири нарса-ҳодисалар ва уларнинг турли белгиларини қиёслашдир. Кўринадики, инсоннинг билиш фаолиятида қиёснинг муҳим ўрни бор. Инсон борлиқни билиши, англаши асосида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятларини, шунингдек, бир неча предметларга хос умумий ва фарқли томонларини ажратади ва уларни таърифлайди. Қиёс предметлар, нарса-ҳодисаларнинг ана шундай белгилар асосида таърифлаш орқали билишга асосланган ифода усулидир.

Психолог Э.Ғозиев таққослашни тафаккур операциясига киритади. Таққослаш – шундай бир тафаккур операциясидирки, бу операция воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади⁷. Олим таққослашнинг амалий (конкрет нарсаларнинг бевосита солиштириш) ва назарий (тасаввур қилинаётган образларни ва нарсаларни онда фикран таққослаш) каби икки йўл билан амалга ошишини кўрсатади⁸.

М.Якуббекова қиёснинг ҳаётдаги ўрни ҳақида шундай ёзади: “Инсон онгидаги бир нарсага хос белги, жараён ва моҳиятни қиёс натижасида бошқа нарсада кўра олиш, тасаввур қилиш қобилияти инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий тадрижи учун улкан имкониятлар берган⁹.

Бобнинг **“Қиёснинг тилшунослик жиҳатидан ўрганилиши”** деб номланган иккинчи фаслида қиёснинг тилшуносликда ўрганилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Проф. Н.Маҳмудов қиёс, унинг табиати, моҳияти, қиёснинг турлари, қиёсий конструкциялар ҳақида, қиёсий содда гапларнинг семантикаси ва синтаксиси масалаларини ёритишда батафсил маълумот беради. Тадқиқотда қиёс логик категория сифатида баҳоланар экан, қиёсий конструкцияларнинг семантик структурасида қиёс акс этиши, бундай конструкциялар дунё тилларининг барчасида мавжудлиги қайд этилади¹⁰.

Олим соф қиёсий содда гапларнинг семантик структурасини таҳлил қилар экан, қиёслаш учун асос бўладиган белги ҳар иккала объект учун умумийлигини, натижада қиёсланаётган объектлардаги алоқа ўта зич, мустаҳкам бўлишини кўрсатади.

Қиёс ва қиёсий ифодаларга жиддий эътибор берган олимлардан бири проф. А.Нурмоновдир. Олим қиёсни оламни билиш, уни идрок этишнинг муҳим усули деб ҳисоблайди. А.Нурмонов эмпирик билиш жараёнида қиёснинг аҳамиятини таъкидлар экан, “Ҳар қандай шахс янги ўрганилаётган объектни олдин ўрганилган объектга қиёслайди. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди”¹¹ – деб ёзади. Олим бу жараён натижасида объектни бошқа объект билан ўхшаш белгилари асосида уларни синфларга бирлаштиришини, фарқли белгилари асосида объектнинг ўзига хос

⁶ Falsafa. M.Ahmedova tahriri ostida. Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – B. 312.

⁷ Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 33.

⁸ Ғозиев Э. Шу асар. – Б. 34.

⁹ Якуббекова М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 4.

¹⁰ Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 65.

¹¹ Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 37.

хусусиятларга эга эканлиги белгиланишини қайд этиб ўтади¹². Бу билан олим қиёс ва ўхшатиш айнан бир нарса эмаслигини, улар ўртасидаги ўхшаш белгилар асосида ўхшатиш, фарқли белгилар асосида қиёс вужудга келишини, бироқ бу ҳар икки ифода асоси қиёсдан иборат эканлигини кўрсатади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли **“Қиёс ва унинг ифода асоси”** деб номланган. Қиёс сўзловчининг баён этилаётган объектга, унинг бирор томонига муносабатини ифода этувчи восита бўлиб, мантикий-лисоний ходисадир. Кишининг олам ҳақидаги фикрларини ифода этишида қиёснинг муҳим ифода воситаси сифатидаги ўрни беқиёсдир. Қиёснинг ифодаланишида қиёсланадиган икки предмет ёки воқеа-ҳодиса ва уларга хос белги-хусусиятлар иштирок этади. Қиёслаш нарса ва ходисаларнинг бир-бирига мос келадиган белгиларини солиштириш, чоғиштириш натижасида таҳлил асосида белгиланади. Қиёс учун ўзаро қиёсланувчи предметлар ва қиёсий белгилар ажратилиши, умумлаштирилиши, умумий хусусиятлар аниқланиши лозим.

Нарса ва ходисаларнинг муҳим белгисини алоҳида ажратиб таърифлаш учун қўлланиладиган қиёснинг ҳосил бўлиши асосида иккита предмет иштирок этади. Қиёснинг асоси қиёсланувчи нарса ва ходисаларнинг қиёслаш учун муштарак белгиларининг мавжудлиги, шу белгилар ўртасидаги боғлиқликнинг ҳис эта олишидир. Фикрнинг қиёслаш орқали ифодаланиши нутқнинг барча шаклларида учрайди. Бу ҳолат қиёсни тилнинг ифода усули сифатида кенг тарқалган шаклларида бири эканлигини кўрсатади. Бироқ маълумки, қиёс тилнинг фақат мантикий фаолиятигина эмас, балки образлилигини, бадий-эстетик моҳиятини намоён этувчи ифода воситаси ҳамдир. Қиёснинг тил тизимида тутган ўрни кўпинча ана шу жиҳатлари билан боғлиқ ва у қиёс асосида вужудга келадиган тасвирий воситалар: ўхшатиш, метафора, эпитет, шунингдек, қиёслаш асосида вужудга келадиган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар шаклида ўз моҳиятини намоён этади.

Барча тил унсурларидан нутқнинг бадий бўёқдорлигини таъминлаш талаб қилинмайди, зеро тилдаги ифода усуллариининг нутқ жараёнидаги вазифаси фақат бадийликдан иборат бўлиб қолмайди. Бироқ қиёс асосида вужудга келадиган ифода воситаларининг асосий қисми бадий-эстетик характерга эга бўлиб, нутқнинг лингвопоэтик моҳиятини ошириш хусусиятига эга бўлади. Н.Маҳмудов қиёснинг моҳиятидан келиб чиқиб, соф қиёсий конструкцияли ҳамда ўхшатиш конструкцияли турларини ажратади ва соф қиёсга қараганда ўхшатишларнинг нутқда катта бадий-эстетик ва лингвопоэтик имкониятларга эга эканлигини таъкидлаб ўтади¹³.

Предметлар бир-биридан фарқ қилувчи, бироқ бир хил белгилари асосида қиёсланганда, муайян белги предметнинг бирида бошқасига нисбатан ортиқ ёки камлиги ифодаланишини кузатиш мумкин. Предметлар бир-бирига ўхшаш белгилар асосида қиёсланса, белгининг ҳар иккала

¹² Нурмонов А. Шу асар. – Б. 37.

¹³ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти, Тошкент, 2011. №3. – Б. 19.

предметда бир хиллиги ифодаланади. Масалан, *Бола азиз бўлди, гўза боладан-да азиз бўлди* (Т.Мурод. “Отамдан қолган далалар”) гапидаги қиёсланаётган шахс ва предмет белги даражаси жиҳатидан тенг эмас, қиёс учун асос бўлган белгининг болага нисбатан гўзада ортиқ эканлиги акс этган. *Толларнинг кўм-кўк сочпуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай селкиллаб тушмоққа бошлади.* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”) Матндаги қиёсланаётган предметлар сочпук ва қизларнинг кокилларидаги шаклий белги кўлам жиҳатдан тенг. Шунга кўра қиёснинг соф қиёс ва қиёс-ўхшатиш каби турлари ажратилади.

Соф қиёслар предметлар ўртасидаги ўхшаш белгиларнинг солиштирилиши натижасида, шунингдек, нарса, ҳодисанинг ўхшаш белгиларини таққосланиши асосида ҳосил бўлади. Масалан: *Улоқни қораликка бир марта олиб бориб ташлаш, тўдадан уч марта улоқ айиришдан зиёд!* (Т.Мурод “От кишнаган оқшом”) Ушбу гапда ифодаланган қиёснинг асосида икки моҳият мавжуд. Қиёслаш учун асос бўлган белги ортиқ-камлик (*зиёд*)дан иборат, яъни белги таққосланган. Иккинчи, – *тўдадан уч марта улоқ айириш* қиёс учун эталон ҳисобланади. Чунки бажариладиган ишнинг мушкуллиги нуқтаи назаридан олдинги ҳаракат, *улоқни қораликка олиб бориб ташлаш* кейинги ҳаракатга нисбатан қимматли ва қиёс учун субъектдир.

Бобнинг тўртинчи фасли “**Қиёс бадий матндаги муҳим лингвопоэтик восита сифатида**” деб номланган. Ўзбек тилшунослигида матннинг лингвопоэтик тадқиқига бағишланган тадқиқотлар¹⁴ни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу йўналиш тадқиқ усули сифатида эндигина кириб келган, лингвопоэтик таҳлилнинг белгиланган тамойиллари асосида тўлиқ ўрганилмаган, ҳали кўплаб махсус тадқиқотлар олиб борилиши талаб қилинади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лингвопоэтик таҳлил асосида тадқиқ қилинган бир қатор ишлар мазмун-моҳияти билан, тил воситаларининг таҳлил қилинишидаги серқирралиги билан келгусида яратиладиган тадқиқотлар учун асос бўла олади. Энг муҳими шундаки, мазкур тадқиқотларда барча тил воситалари нутқ жараёнида бажарилган вазифасига кўра қимматга эга эканлиги, шу хусусиятига кўра лингвопоэтик аҳамият касб этиши эътироф этилган.

¹⁴ Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтического интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2005; Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2004; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси: филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Анданиязова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: филол. фанл. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2017; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: филол. фанл. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2017; Умирова С. Ўзбек шеърятининг лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик. (Усмон Азим шеърятининг мисолида): филол. фанл. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Самарқанд, 2019; Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол. фанл. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2019; Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари. (Метафоралар мисолида): филол. фанл. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2019.

Бадиий матн лингвистик жиҳатдан кенг қамровли, чегараланмас, чексиз услубий имкониятларга эга. Турли тасвирий ифодалар, кўчимлар сингари қиёс ҳам бадиий матннинг бўёқдорлигини, тасвирийлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ифоданинг бу турида ҳам сўзлардаги маъно нозикликлари, тасвирдаги индивидуаллик муҳим ҳисобланиб, бадиий тасвир воситасига айланишига замин яратади.

Шоир Эркин Воҳидов “Сўз латофати” асарида *Меҳмон отангдан азиз, устоз отангдан улуг* каби ҳикматларни таҳлил қилар экан, аввало, бу ҳикматларнинг ижод намунаси эканлигини, ижоднинг бадииятсиз, бадиий муболағасиз бўлмаслигини таъкидлайди ва аслида *отадан азиз* инсон бўлмаслигини, шундай экан бу ифода фикрнинг бадиийлиги, эмоционаллигини таъминлаш мақсадида яратилганини эътироф этади. Ёки *инсон боши тошдан қаттиқ* ҳикматининг асосида ҳам *тошдан қаттиқ* нарсанинг йўқлиги учун бу ифода қўлланилишини таъкидлайди¹⁵. Худди шундай *яхши сўз болдан ширин, уят ўлимдан қаттиқ, ақлдан ортиқ бойлик йўқ* каби қиёсий ифодалар ҳам аслида *болдан ширин* нарсанинг йўқлиги, *ўлимдан қаттиқ (огир)* азоб бўлмаслиги, *ақллилик* энг катта бойлик эканлиги учун яратилган ва лингвопоэтик моҳият касб этган. *Ҳа, бунга ҳаққим бор. Сен билиб қўй: лоқайдлик – қотилликдан ҳам, хоинликдан ҳам ёмон* (Т.Малик. “Сўнгги ўк”) гапида инсондаги ўта ёмон иллатлардан бири бўлган *лоқайдликнинг, қотилликка, хоинликка* қиёсланиши асосида унинг ёмон оқибатлари аслида энг ёмон иш бўлган *қотилликдан, хоинликдан* ҳам юқори эканлиги ифодаланган. Мазкур қиёсий конструкцияда қиёс субъекти ва қиёс эталони предметларга хос бўлган муайян, аниқ белги асосида қиёсланмаган. Матндан англашиладики, қиёс эталони сифатида ажратилган *қотиллик, хоинлик* инсон учун энг ёмон иллат, инсон ҳаётида ундан ёмони бўлмайди. Лоқайдликни ана шундай ёмон иллатлардан ҳам ёмон эканлигини кўрсатиш орқали нутқий экспрессивлик кучайтирилган. Ёки: *Хорлик азоби тан азобидан кучлироқ* (Т.Малик. “Сўнгги ўк”) гапида инсондаги руҳий ҳолат билан тан ҳолатининг қиёсланиши ҳам образли тафаккур натижасидир. Аслида тан азоби оғриқли азоб, айна матнда қиёс эталони сифатида оригинал, хорлик азоби оғриқли бўлмаса-да, руҳга азоб беради. Тан азобига даво топиш мумкин, аммо руҳ азобини даволаш мушкул. Шу боисдан хорлик азобининг тан азобидан кучли эканлигини ифодаланиши бадиий-эстетик моҳиятга эга бўлган.

Ишнинг “**Ўзбек тилида соф қиёс муносабатининг ифодаланиши**” деб номланган иккинчи боби беш фаслдан иборат. Бобнинг “**Соф қиёс ифодаловчи воситалар**” деб номланган биринчи фаслида қиёсий ифодани вужудга келишида иштирок этадиган қиёс компонентлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Адабиётларда бир қатор тилнинг тасвирий воситаларининг вужудга келиш асоси қиёс билан боғлиқлиги таъкидланган. Тадқиқотчилар ўхшатиш, метафора, эпитет, фарқлаш, баҳо каби ҳодисалар

¹⁵ Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 26.

моҳиятида қиёс мавжуд эканлигини қайд этишади¹⁶.

М.И. Черемисина тилда қиёснинг турли типлари мавжудлигини, бундай конструкциялар ўз навбатида ниҳоятда асосли тасаввурни талаб қилишини таъкидлар экан, қиёснинг ўзига хос алоҳида тури учун $\{A[\beta(B)]\}$ абстракт шаклдаги формулани тавсия этади. Бунда А ва В қиёсий конструкцияларни ташкил этувчилар символи, β – қиёс кўрсаткичи символи. Қавсларда таҳлилнинг кетма-кетлиги ифода этилган. А – қиёс субъектининг белгиси, $[\beta(B)]$ “компаратив аъзо”. Компаратив аъзонинг қиёс кўрсаткичи β В нинг муҳим қисми экани таъкидланади¹⁷. Ушбу формулага таянган ҳолда Н. Маҳмудов А – қиёс субъекти символи, В – қиёс эталони символи, β – қиёснинг формал кўрсаткичи, С – қиёс асосининг символи¹⁸ тарзида талқин қилади ва М.И.Черемисина таснифида мавжуд бўлмаган, бироқ қиёс учун муҳим бўлган қиёс асосини киритиб, структурал жихатдан қиёснинг тўрт компонентли эканлигини *Қовун асалдан ширин* қиёси асосида кўрсатиб беради. Инглиз тилшуноси У.Л.Чейф қиёс эталонини “қиёс стандарти” деб номлайди¹⁹.

Ўзбек тилшунослигида қиёсий конструкцияларнинг семантик-стилистик хусусиятларини махсус ўрганган Д.Худойберганова ҳам мазкур мулоҳазаларга суянган ҳолда қиёснинг тўрт қисмдан: қиёс субъекти, қиёс эталони, қиёс асоси ва қиёс воситасидан иборат эканлигини қайд этади²⁰.

Соф қиёсларда ҳамма вақт ҳам қиёс компонентлари эксплицит ҳолатда ифодаланавермайди. С.Н. Невелева қиёс компонентларидан бирининг ифодаланмаслигини, унинг маъноси бошқа қисмлар орқали англанилишини қайд этиб, бундай қиёсий конструкцияларни синтетик қиёс деб атади²¹. Д.Худойберганова ҳам қиёсий конструкцияларда тўрт компонент иштирок этса, эксплицит ифода мавжуд бўлишини таъкидлайди²². Қиёсда таркибий қисмлардан бирининг матнда мавжуд бўлмай қолиши кўп учрайди. Муҳими шундаки, қиёс компонентларидан бирининг матнда ифодаланмаслиги қиёс вужудга келиши учун тўсқинлик қилмайди.

Қиёс компонентларининг матнда мавжуд бўлишига кўра соф қиёслар иккига бўлинади. Қиёс компонентлари матнда тўлиқ ифодаланадиган, очик – эксплицит ва қиёс компонентлари тўлиқ ифодаланмайдиган, яширин – имплицит қиёслар. Қиёсий ифодаларда қиёс компонентлари – қиёс субъекти, қиёс эталони, қиёс асоси ва қиёснинг шаклий кўрсаткичи мавжуд бўлса, структурал жихатдан қиёс тўлиқ ифодаланган бўлади. Масалан,

¹⁶ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 92-93; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Якуббекова М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 132; Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: филол. фан. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2018. – Б. 21; Мухаммаджонова Г. Кўрсатилган диссертация автореферати. – Б. 14-18; Yo‘ldoshev M., va boshq. Badiiy matnning lisoniy tahlili. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010 – Б. 57-59; Қамбаров Ф. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 27.

¹⁷ Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск. 1976. – С. 17-18.

¹⁸ Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 67.

¹⁹ Чейф У.Л. Значение и структура языка. – М.: Прогресс, 1975. – С. 156.

²⁰ Худойберганова Д. Кўрсатилган диссертация. – Б. 14.

²¹ Невелева С.Л. Кўрсатилган манба. – Б. 40.

²² Худойберганова Д. Шу диссертация. – Б. 30.

Хобгоҳ олдида Бобурни таъзим билан кутиб олган ўн олти ёшли Ойша бегим куёвга нисбатан кичкинагина, ингичкагина кўринди (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”) гапида қиёс субъекти – *Ойша бегим*, қиёс эталони – *Бобур*, қиёс асоси – *кичкина, ингичка* ва қиёснинг шаклий кўрсаткичи *нисбатан* кўмакчиси матнда ифодаланган. Қиёснинг барча компонентлари мавжуд бўлган бундай кўриниши қиёснинг эксплицит ифодаланишидир. Қиёсий конструкцияларда компонентлардан бири ифодаланмай қолса, имплицит ифода вужудга келади. Қиёсий конструкцияларда қиёс компонентларидан бири, асосан, қиёс субъекти имплицит ифодага эга бўлади.

Қиёс компонентларидан бирининг матнда ишлатилмаслигига турли услубий ва бошқа сабаблар асос бўлади. Масалан, *Ноғора ва чирмандалар аввалгидан кўра оҳистароқ, енгилроқ чалинди. “Қиз” аёлларга хос ноз ва қилиқ билан рақс эта бошлади.* (Ойбек. “Қутлуғ қон”) Бу гапда ноғора ва чирмандаларнинг аввал қандай чалинганлиги ҳақида маълумот мавжуд эмас, бундай қиёсий қурилмаларда белгининг предметларга турли пайтларда тегишлилиги ифода этилади. Ноғора ва чирмандаларнинг оҳиста ва енгил чалиниши нутқ моменти учун хос, нутқ моментида олдин нисбатан кучли бўлган. Ана шу бир белгининг турли вақтда турлича бўлганлиги қиёсланиб, қиёсий конструкция вужудга келган. Н. Маҳмудов бу хилдаги бир белгининг турли даврда кўпайган ёки камайган ҳолда намоён бўлиши, қиёсий содда гапларнинг моҳиятини белгилаши, бундай гапларда семантик структурани ташкил қилувчи пропозициялар пайт тушунчасига кўра қиёсланишини кўрсатади²³.

Бобнинг иккинчи фасли **“Соф қиёс асосини ифодаловчи луғавий воситалар”** деб номланган. Ўзбек тилида қиёсий ифодаларнинг ҳосил бўлишида қиёс асосининг ўрни муҳим. Қиёс асоси одатда белги билдирувчи сўзлар орқали ифодаланади.

Қиёс асоси сифат туркумидаги сўз билан ифодаланган конструкцияларда, асосан, предметдаги қиёсланаётган белгининг предметдан бирида ортиқ ёки камлиги ифода этилади. Қиёс асоси сифат туркумидаги сўз билан ифодаланган конструкцияларда белгининг қиёс субъектида пастлиги ифодаланган ҳолатлар кам учрайди. Масалан, *Кашифиёт қилишига нисбатан уни оммавий қўллашга эришиши оғирроқ.* (Т.Малик. “Девона”), *Уят ўлимдан қаттиқ. Эл қатори тердим* (Ш.Холмирзаев. “Ўзбек характери”) гапларида қиёс асоси сифат туркумидаги сўзлар билан ифодаланиб, белгининг қиёс субъектида ортиқ эканлигини ифодалаган бўлса, *Ерликларнинг юраги тангликларникига нисбатан анча кичик* (Т.Малик. “Девона”) гапида эса мавжуд белгининг қиёс субъектида паст даражада эканлиги ифодаланган. Бундай ифодалар фақат белгининг миқдор жиҳатидан пастлигини ифодаловчи сифатлар қиёс асоси вазифасида қўлланилган ҳолларда кузатилади.

Қиёс асосининг равиш туркумидаги сўз билан ифодаланиши мавжуд, бироқ сифат туркумидаги сўзга нисбатан паст даражада. Равиш туркумидаги

²³ Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 88.

сўзлардан миқдор билдирувчи равишларни қиёс асоси сифатида қўлланилиши фаол учрайди. Миқдор билдирувчи равишлар қиёс асоси сифатида қўлланилиб, маъно ифодалаш даражасида мос ҳолда предметдаги белгининг ортиқ ёки камлигини ифода этади. Масалан, *Оталарининг ақчалари амирникидан ҳам кўп дейишади.* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”) Матнда қиёс асосини билдирган *кўп* сўзи мазмунан белгининг ортиқлигини ифодалаганлиги учун қиёсланаётган предметлардан бирида белги ортиқлигини ифода этган. Қиёс асоси *кўп* сўзи билан ифодаланганда белгининг камлиги ва жуда кўплиги ҳам ифодаланади. Масалан, *Унинг тиришиб, ажинлар ортида қолиб кетган бир ҳовучгина жуссасида тирик моддалардан кўра ўликлари кўпроқ эди* (У.Ҳамдам. “Мувозанат”) гапида ўртача белгидан пастлик ифодаси мавжуд бўлса, *Гўшт сероб, қимиз ундан ҳам кўп.* (О.Ёқубов. “Ота изидан”) гапида ўртача белгидан юқори белги ифодаланган.

Қиёс асослари сифат ва равиш туркумидаги сўзлар билан ифодаланганда, қиёс субъекти ва қиёс эталонидаги белгининг фарқланиши англашилади. Шунга кўра бундай сўзларнинг гап таркибида келиши кўпинча қиёс ҳосил бўлиши учун асос бўлади.

Қиёс асоси феъл туркумидаги сўз билан ифодаланганда, сифат ёки равиш туркумидаги сўз феъл билан боғланиб келади. Проф. Н.Маҳмудов бундай ҳолатда қиёс асоси сифат ва равиш туркумидаги сўз билан ифодаланганда нисбатан ифода конкретроқ бўлишини таъкидлайди²⁴. Масалан, *Меҳнат тарбияси шаҳарга нисбатан қишлоқда осонроқ ҳал этилади* (Т.Малик. “Жиноятнинг узун йўли”) гапида қиёс асосидаги белги ҳал этилади бўлса-да, ушбу гапда қиёс муносабатини ҳосил бўлишида сифат туркумидаги *осонроқ* сўзининг ҳам муҳим ўрни бор. Чунки муайян сўзнинг иштирокисиз гапнинг синтактик структурасида қиёс мавжуд бўлмайди. Ушбу ҳолатда қиёс вужудга келиши учун белги билдирувчи сўзлар муҳим эканлигини кўрсатади. *Меҳнат тарбияси шаҳарга нисбатан қишлоқда осонроқ* гапида ҳам қиёс муносабати мавжуд бўлиб, бу гапда қиёс асоси *осонроқ* сўзи орқали ифодаланган бўлади. Юқоридаги гапда эса *осонроқ* сўзи қиёс асосини ташкил этмайди, чунки гап семантикаси феъл туркумидаги сўзнинг қиёс асоси эканлигидан далолат беради, гап мазмуни меҳнат тарбиясининг осонлиги ҳақида эмас, балки қандай ҳал этилиши ҳақида эканлиги қиёс асосини феъл туркумидаги сўзлигига ишора қилади.

Бобнинг учинчи фаслида **қиёсий ифоданинг вужудга келишида грамматик шаклларнинг ўрни** ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ўзбек тилида қиёслаш муносабати ҳосил қилишда қўшимчалар ҳам, ёрдамчи сўзлар ҳам иштирок этади. Тилшуносликка оид манбаларда, асосан, чиқиш келишиги қўшимчаси *-дан* нинг қиёс маъносини билдириши таъкидланган²⁵. Бу қўшимчанинг қиёс ифодаланиши М.Мукаррамов томонидан ҳам кўрсатиб

²⁴ Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 80.

²⁵ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 135; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 234.

ўтилган²⁶. Н.Маҳмудов ҳам қиёснинг асосий формал кўрсаткичи сифатида *-дан* қиёслаш вазифасини бажаришини таъкидлаб ўтади²⁷. Бошқа туркий тилларда ҳам мазкур кўшимчанинг қиёсий муносабатни ифодалашни тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Чунончи, Э.Р.Тенишев бу кўшимчанинг сариқ-уйғур тилида сўз бирикмаси ва сифат асосида қиёс ҳосил қилишини кўрсатади. *Sumert aytan o'rtig* (выше, чем гора Суммер)²⁸. М.Мирзахидова қирғиз тилида чиқиш келишиги ифодаловчи маъноларнинг хилма-хиллигини кўрсатар экан, шу маънолардан бири қиёслаш (солыштырма) маъно эканлигини *бал – конфеттен татту* (асал – конфетдан ширин) мисоли орқали асослаган²⁹.

Қиёс маъноларини ҳосил қилишда иштирок этадиган бу воситалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, *-дан* кўшимчаси ёрдамида қиёс ифодаланиши қиёсий ифодаларда етакчи ҳисобланса-да, бу кўшимчадан кейин кўмакчиларнинг ҳам фаоллиги кузатилади. Бу ҳол қиёс ҳосил бўлишида лексик-морфологик воситанинг уйғунлиги муҳимлигини кўрсатади. Масалан, *Маҳмудхон мағлуб бўлган жиянидан кўра голиб Шайбонийхонни ортиқроқ ҳурмат қилишини элчисига сездириб қўймоқчи эди.* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”) Мазкур гапда қиёслаш муносабатини ҳосил қилувчи *-дан* чиқиш келишиги кўшимчаси ҳамда *кўра* кўмакчиси иштирок этган. Бу гапда *-дан* кўшимчаси қиёс воситаси, *кўра* сўзи қиёс асоси орқали ифодаланган маънони кучайтириш вазифасини бажарган.

Қиёсий ифодани ҳосил бўлишида иштирок этувчи лексик-морфологик воситалардан яна бири жўналиш келишиги шакли *-га, нисбатан, қараганда* кўмакчиларидир. *Нисбатан, қараганда, кўра* кўмакчиларининг қиёс ҳосил қилишдаги вазифалари аслида бир хил. Бу воситалар қиёс субъекти ва қиёс эталонидаги белгининг бирига *кўра* иккинчисида нисбатан ортиқ ёки камлигини кўрсатади ва шу боис улар кўпгина ҳолларда бир-бири ўрнида қўлланаверади.

Бобнинг тўртинчи фасли “**Соф қиёс ифодаланишининг синтактик имкониятлари**” деб номланади. Қиёс субъекти ва қиёс эталони муносабатлари гапнинг мазмуни орқали намоён бўлади. Шунга *кўра* манбаларда қиёсга синтактик ҳодиса сифатида қаралади³⁰. Қиёс синтактик структурасига *кўра* содда бўлса ҳам, семантик жиҳатдан мураккаб бўлади. Айнан ана шу семантик жиҳати қиёс ҳосил бўлиши учун муҳим асос ҳисобланади. Ҳар бир қиёсий гап структураси икки ва ундан ортиқ

²⁶ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 47.

²⁷ Маҳмудов Н. Ўша асар. – Б. 70-71.

²⁸ Тенишев Э.Р. Строй сарыг-ногурского языка. – М.: Наука, 1976. – Б. 65.

²⁹ Мирзахидова М. Грамматик маъно ва шаклнинг диалектик талқини // “Инновацион ғоялар, ишланмалар ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда таълимда қўллашнинг замонавий муаммолари”. Халқаро илмий-амалий анжуман. – Андижон: 2019. – Б. 189.

³⁰ Шомақсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент: Фан, 1958; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987; Худойберганова Д. Семантические и стилистические особенности конструкций уподобления в узбекском языке: дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1989.

пропозициядан ташкил топади. Бироқ кўпинча бу пропозицияларнинг бири гап таркибида ифодаланмайди, гапнинг синтактик структурасидан ифодаланмаган пропозиция англашилиб туради. Ана шу икки пропозициянинг мавжудлиги, қиёс учун асос бўладиган белги-хусусиятнинг қиёс субъекти ва қиёс эталони учун умумийлиги қиёс ҳосил қилинишининг мезонидир. Масалан, *Ажабки, амакисига нисбатан дадаси ҳар жиҳатдан кучли* (О.Мухтор. “Муҳаббат ўлимдан кучли”) гапида икки семантик пропозиция – “амакиси кучли”, “дадаси кучли” мавжуд бўлса-да, гапнинг синтактик структураси қисқарган ҳолда ифодаланган, яъни синтактик структурада бу пропозициялардан қиёс субъекти ифодалаган пропозиция тўлиғича ўз ифодасини топган. Қиёсланаётган белгининг кучлилиқ даражаси қиёс субъекти ва қиёс эталонига ҳам тегишли бўлганлиги учун семантик жиҳатдан қиёс эталонида ҳам қиёсланаётган белги мавжудлиги, бироқ иккинчи пропозициядагига нисбатан белгининг пастлиги ўз ифодасини топган. Бу ҳол қиёсланаётган объектлар орасида мустаҳкам алоқа мавжуд бўлишидан далолат беради.

Қиёсий конструкцияли гаплар синтактик структураси нуктаи назаридан қиёс субъекти ва қиёс эталонинг жойлашишига кўра эркин. Масалан, *Аммо, ўринсиз андишани четга қўйиб гапирганда, у майдонда от суриб юрган донгдор отахону акахонларнинг кўпчилигига нисбатан асл адабиётга яқинроқ, ҳатто унинг содиқ фуқароси эди.* (Э.Аъзам. “Ёзувчи”) Бу гапдаги қиёс субъекти у қиёс эталонига нисбатан гапнинг синтактик структурасида олдинги позицияда жойлашган. Баъзан бу тартиб ўзгариши, қиёс эталони қиёс субъектидан олдин келиши мумкин. Бундай ҳолатда сўзнинг синтактик позициясидаги ҳолати ўзгармайди. Масалан, *Ёмон дўстдан қирда ётган тош яхши* гапида қиёс эталони гап синтактик структурасининг олдинги қисмида жойлашган. Бироқ ҳар иккала гапда ҳам қиёс субъекти – эга, қиёс эталони – тўлдирувчи синтактик позицияда келган.

Бобнинг бешинчи фаслида **соф қиёс элементлари семантикаси ва лингвопоэтикаси** тадқиқ этилган. Қиёсий конструкцияларни қиёсланаётган предметларнинг белгисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қиёснинг муҳим таркиби бўлган қиёс компонентлари орқали турли нарса-ҳодисалар, воқеалар, шахслар чоғиштирилиши натижасида ифодаланган фикр одатий ҳолатдаги фикрга нисбатан бадий бўёқдорлик касб этади ва бу ҳолат қиёснинг лингвопоэтикасини намоён этади. Мавзу юзасидан тўпланиб, таҳлил этилган материаллар қиёс субъекти ва қиёс эталони сифатида от туркумига хос сўзлар ва қиёс асоси сифатида, асосан, белги билдирувчи сўзлар қўлланилишини кўрсатади. Шунингдек, ҳаракат-ҳолат ифодаловчи сўзларнинг ҳам қиёс элементлари сифатида фаоллиги кузатилди. Бу ҳолат қиёсий конструкцияларда қиёс нарса-ҳодиса, ҳаракат ва ҳолат чоғиштирилиши асосида вужудга келадиган ифода усули эканлигидан далолат беради.

Қиёс элементлари семантик жиҳатдан бир хил маъноли ва турли хил маъноли сўзлардан ташкил топади. Қиёс элементлари семантикасининг шахс билан шахс, шахс ва предмет, нарса билан нарса муносабати асосидаги

қурилмалари бу ифода воситасининг асосини ташкил этади. Қиёс субъекти ва қиёс эталонининг бир хил ёки турли хил семемали сўзлардан бўлиши қиёс семантикасининг муҳим жиҳатидир. Қиёс элементларидаги шу хусусиятлар асосида семантик жиҳатдан қиёсни 2 турга бўлиш мумкин:

1. Семантик жиҳатдан бир хил қиёс элементлари асосидаги қиёслар.
2. Семантик жиҳатдан турли хил қиёс элементлари асосидаги қиёслар.

Номинатив ва эстетик функция бажариши нуктаи назаридан ҳам қиёс икки йўл билан ҳосил бўлади:

1) аниқ нарса, предмет, воқеалар билан уларнинг муайян белгиларини бир-бирига бевосита қиёслаш орқали;

2) тасаввур қилинган нарса, предмет, воқеаларни қиёслаш орқали.

Турли семемали сўзлардан ташкил топган қиёслар, асосан, образли, тасаввур қилиш асосида пайдо бўлади ва нутқнинг бадиий таъсирчанлигини кучайтиради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Қиёс элементлари ўртасидаги муносабат ва унда бадиий-эстетик қимматнинг намоён бўлиши”** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида **“Фарқловчи қиёс”** ҳақида фикр билдирилади.

Фарқлаш икки нарса-буюм, воқеа-ҳодиса ёки ҳолатлардаги дифференциал белгини аниқлаш бўлиб, қиёс ва чоғиштиришга асосланади³¹. Маълумки, икки предмет-ҳодисанинг фарқли томонлари бир-бирига чоғиштирилганда фикр доимо тасвирлаш характерида бўлади. Яъни, предметлардаги фарқланувчи белги тасвирлаш асосида изоҳланади.

